


Аҳолини рўйхатга олиш



Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш, демографик қўрсаткичларни ҳисоблаш ва прогнозлаш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишни ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун аҳоли тўғрисида ишончли ва холис ахборотларни олиш ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар учун шартшароитларни яхшилаш, оиласарга ёрдам қўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида, аҳоли таркибидаги, демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;
- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ва дастурларини тайёрлаш;
- аҳолини рўйхатга олишдавриоралиғидаги аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;
- ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш.